

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ  
КЕНГАШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЎРТАСИДА ЎЗARO  
АНГЛАШУВ**

**МЕМОРАНДУМИ**

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва Ўзбекистон  
Республикаси Фанлар академияси ўртасида ўзаро англашув  
МЕМОРАНДУМИ**

**Муқаддима**

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иккинчи томондан (кейинги ўринларда – Томонлар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ–5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда ёшларга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, Республика ижтимоий ҳаётининг ҳар бир соҳаси ва жабҳасини ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг иқтидори, илмий салоҳияти ва шижоатидан унумли фойдаланиш учун, Томонларнинг марказий ва жойлардаги органлари, давлат бошқарув органлари билан ижтимоий ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш муҳимлигини ҳисобга олиб, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

**I. Ҳамкорлик мақсади**

1. Томонлар икки томонлама муносабатларининг истиқболларини белгилаш, ўзаро қизиқиш уйғотадиган масалаларни келишган ҳолда амалга ошириш, ўзларининг ваколатлари доирасида, икки томонлама манфаатли муносабатларни кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик қиладилар.

2. Томонлар республикада ёшларга оид давлат сиёсатидан келиб чиқиб ҳамкорликни амалга оширади.

**II. Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари**

3. Томонларнинг ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

а) Республика ижтимоий ҳаётининг ҳар бир соҳаси ва жабҳасини ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг иқтидори, илмий салоҳияти ва шижоатидан унумли фойдаланиш;

б) ёшларни мамлакат илм-фани учун долзарб, миллий иқтисодийётимизнинг барқарор ривожланишига, ҳалқимиз маънавияти ва маданиятининг юксалишига кўмаклашувчи фундаментал, амалий ва инновацион йўналишлардаги илмий фаолият, ихтиролар қилиш, инновацион технологиялар яратиш жараёнларига кенг жалб этиш;

в) долзарб мавзуларда мустақил тадқиқотлар олиб бораётган, илмий янгиликлар қилиш қобилиятига эга бўлган, шунингдек, ижтимоий ҳаёт учун

фойдали бўлган илмий янгилик қилган, аммо илмий уюшмалар эътиборига тушолмай юрган ёшларни кашф этиш;

г) ёш олимларнинг касбий ривожланишини фаоллаштириш, илмий кадрларни тайёрлаш, академик фанни ривожлантириш, илмий мактабларнинг ворислигини таъминлаш, юқори малакали илмий-педагог кадрларни тайёрлаш барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш;

д) мамлакатда ёш олимлар ва мутахассисларнинг яшаш даражасини оширишда кўмаклашиш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилашда ташаббуслар кўрсатиш;

е) тадқиқотчилар ва олимлар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик муҳити, дўстлик алоқаларини шакллантириш, ўзаро тажриба алмашиш ва илмий фаолиятда бир-бирига кўмаклашиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни фан-техника тараққиёти йўлида бирлаштириш;

ё) ёш олимларнинг илмий ташаббусларини руёбга чиқариш учун шароитлар яратиш, уларнинг илмий тадқиқотлари ва изланишлари натижаси амалиётга тадбиқ этилиши ва самарадорлигини таъминлашда ташаббускорлик кўрсатиш;

ж) Республика ёшларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, таълим-тарбияси, ёшлар ўртасидаги муаммолар, камчиликлар, ютуқлар, мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид Давлат сиёсати, истиқболдаги эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар тўғрисида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, лойиҳалар ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш;

з) ёш олимларнинг халқаро илмий ва ижтимоий форумларини, конференцияларини, семинарларини ва бошқа анжуманларини ташкил қилиш ва олиб бориш, хорижий илмий жамоалар билан алоқаларини ташкил қилиш, узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

и) ёш олимлар ўртасида маънавий соғлом муҳитни шакллантириш, турли хил зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт-соғломлаштириш ва бошқа соҳалардаги чора-тадбирлар, лойиҳаларни амалга ошириш;

й) ёш олимларни жамоатчилик ишлари ва тарғибот тадбирларига кенг жалб этиш, уларнинг ташаббусларини, ёш олимлар анжуманларини ташкилий ва молиявий томонидан қўллаб-қувватлаш;

к) ёш олимлар учун нашрлар, ахборотномалар чиқариш, илмий тўпламлар чоп этилишини ташкил этиш;

л) Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш, зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ҳамда ташкилий-услубий кўмак кўрсатиб бориш.

### **III. Ҳамкорликнинг амалга оширилиши**

4. Томонлар мазкур Меморандумнинг самарали ижросини таъминлаш ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириб бориш мақсадида ҳар йили чора-тадбирлар режасини тузадилар.

5. Томонлар мазкур Меморандумда назарда тутилган йўналишлар бўйича ўзаро ахборот алмашадилар, ҳамкорлик масалалари бўйича учрашувлар ўтказадилар ҳамда зарурий маслаҳатлашувларни амалга оширадилар.

6. Ҳамкорликни самарали амалга ошириш мақсадида Томонлар:

а) ўз вакилларида иборат ишчи гуруҳларини тузиш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларидан мутахассисларни жалб қилиши;

б) мақсадли тадбирларни ташкиллаштириши;

в) ҳамкорлик йўналишларидан келиб чиқиб, Томонларнинг келишувига кўра қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни белгилаши мумкин.

7. Томонлар ўзларининг фаолияти тўғрисида матбуот, радио ва телевидение орқали жамоатчиликни хабардор қилиб турадилар.

### **IV. Молиялаштириш механизмлари**

8. Томонлар ушбу Меморандумда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун сарфланадиган харажатларни ўз маблағлари, ҳомийлик ҳамда хайриялар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширадилар.

9. Ҳамкорлик фаолияти юзасидан алоҳида ҳолатлар бўйича Томонлар қўшимча келишув асосида ўзаро молиявий кўмаклашиш тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

### **V. Маслаҳатлашув**

10. Томонлар Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

### **VI. Ўзгартиш ва қўшимчалар**

11. Ҳар бир Томон ушбу Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартиш ёки қўшимча киритишни бошқа Томонга ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

12. Томонлар ўзаро келишилган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда ушбу Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Томонлар белгилаган кундан бошлаб кучга кирадиган қўшимча келишув шаклида расмийлаштирилади.

13. Ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар уларнинг кучга киргунига қадар ушбу Меморандумдан келиб чиққан ҳамкорлик йўналишлари ёки унга асосланган Томонларнинг мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

## **VII. Яқуний қоидалар**

14. Меморандум қоидалари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари учун мажбурийдир.

15. Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва номуайян муддат давомида амал қилади.

16. Томонларнинг ҳар бири ушбу Меморандум амал қилишини тугатиш нияти борлиги тўғрисида камида уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, унинг амал қилишини муддатидан олдин бекор қилиши мумкин.

17. Тошкент шаҳрида 2017 йил 14 октябрь куни 2 (икки) асл нусхада ўзбек тилида тузилди. Мазкур Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Давлат маслаҳатчиси,  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши раиси, сенатор**



**Қ. Қ. Куранбаев**

**Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Президенти**



**Б.Йўллошев**

*Тошкент, 2017 йил “14” октябрь*